

**Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизмати Қашқадарё вилоят  
бошқармасининг 2022 йил «15»  
«август»даги «46т§2» сон буйруғига  
6-илова**

**Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қашқадарё вилоят бошқармасига (кейинги ўринларда – Ташкилот) ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қуйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Ташкилотнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Ташкилотда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳукукбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Ташкилот учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёхуд бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиши;

**манфаатлар тўқнашуви** – Ташкилот ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан

фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – Ташкилотдаги бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант лавозимга танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноқонуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки асоссиз тарзда олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий кўринишдаги фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкрий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**яқин қариндошлар** – қариндошлар ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука, опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ҳамда опа-сингиллари.

### **3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларни амалга ошириш муддатлари**

5. Кадрлар бўлими ва Коррупцияга қарши ички назорат тузилма номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинадиган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод ишга қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

10. Номзодни белгиланган муддатларда текширишни асосли сабабларга кўра ўз муддатида амалга ошириш имкони бўлмаса, унинг давомийлигини қўшимча 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

### **4-боб. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш**

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Кадрлар бўлими ва Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимлари (кейинги ўринларда – Ижрочи)га текширувни ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

номзод томонидан Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси.

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

14. Номзод сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишни рад этган тақдирда, номзодни текшириш очик фойдаланувдаги ва Ижрочи тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек расмий сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда Ижрочи текширув натижаларига оид хулосада тегишли қайдни амалга оширади.

15. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга қабул қилишни рад этиш учун сабаб бўлмайди.

#### **5-боб. Ишга қабул қилинадиган ёки номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

16. Ишга қабул қилинадиган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

17. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва ҳолис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг <https://vacancy.argos.ru> сайтидаги шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

18. Ишга қабул қилинаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва ҳолислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к. ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

19. Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

20. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing);

корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>;

солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz/main/?lang=ru>;

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>;

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - <http://kadastr.uz/ru/>;

ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - <https://mib.uz>;

Ахборот қидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

21. Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

#### **6-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширувини**

## **Ўтказиш йўналишлари**

22. Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:
- номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;
  - суд органлари томонидан раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиб йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;
  - номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга ҳилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;
  - аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;
  - номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;
  - номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиқа мос келмайди ва бошқалар).
23. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

### **7-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш натижалари**

24. Ишга қабули қилинаётган номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-иловасидаги шакли бўйича), мазкур ҳисобот Кадрлар бўлимида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

25. Ташкилотнинг Кадрлар бўлими Номзодларни текшириш реестрига киритиладиган маълумотларни йиғиш ва ушбу реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

26. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга қабл қилинаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказиётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

27. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказиётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни тақлиф қилади ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

28. Салбий хулоса берилган тақдирда номзод Ташкилот раҳбари қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йўналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Кадрлар бўлими раҳбари билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади.

29. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тақлиф этилган номзод ишга олинган тақдирда тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун ходимнинг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

## **8-боб. Текширувни расмийлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари**

30. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳамроҳ ҳужжатлар) махфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаётган Ташкилот ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

31. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова)дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

32. Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар коррупцияга қарши кураш фаолиятини назорат қилувчи раҳбар ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

33. Номзод ишга қабул қилинган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

34. Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳ.к) Кадрлар бўлинмаси томонидан камида 10 (ўн) йил давомида сақланиши шарт.

35. Ташкилотга ишга қабул қилинмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

36. Агар номзод Ташкилотда ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўқнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

## **9-боб. Яқуний қоидалар**

37. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

38. Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилот ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

**Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот**

|           |                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                          |                                                                                   |
|-----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1.</b> | <b>Асосий маълумотлар</b>                                                                                                                                                                                                                                            |                                                          |                                                                                   |
| 1.1       | Номзоднинг ФИШ                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                          |                                                                                   |
| 1.2       | Туғилган санаси                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                          |                                                                                   |
| 1.3       | Бўш лавозим номи                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                          |                                                                                   |
| 1.4       | Бўлинма                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                          |                                                                                   |
| 1.5       | Боғланиш учун телефон                                                                                                                                                                                                                                                |                                                          |                                                                                   |
| 1.6       | Эл.почта манзили                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                          |                                                                                   |
| <b>2.</b> | <b>Иш тажрибаси</b>                                                                                                                                                                                                                                                  |                                                          |                                                                                   |
| 2.1       | Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари                                                                                                                                                                                                        |                                                          |                                                                                   |
| 2.2       | Аввалги иш жойларидан салбий фикрлар мавжудлиги                                                                                                                                                                                                                      | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | Изоҳ (лар):<br><br>Манба(лар):                                                    |
| <b>3.</b> | <b>Текширув натижалари</b>                                                                                                                                                                                                                                           |                                                          |                                                                                   |
| 3.1       | Ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети олиними? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин) | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | Етишмаётган ҳужжат(лар):<br><br>Уларнинг йўқлиги сабаби(лари):                    |
| 3.2       | Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳақидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги                                                                             | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | Изоҳ(лар):<br>Манба(лар):                                                         |
| 3.3       | Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка                                                                                     | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | (агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг)<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |

|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                 |                              |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|
|     | тортиш фактлари мавжудлиги<br>тўғрисидаги маълумотлар<br>йўқлиги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                 |                              |
| 3.4 | Суд органлари томонидан<br>қўйилган раҳбарлик<br>лавозимларини эгаллашга<br>тақиқ йўқлиги (раҳбарлик<br>лавозимига номзод учун)                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Изоҳ(лар):                                                                                                                                                      |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Манба(лар):                                                                                                                                                     |                              |
| 3.5 | Номзодда манфаатлар<br>тўқнашуви аломатлари<br>мавжудлиги:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |
|     | 1) номзоднинг яқин<br>қариндошлари Ташкилотнинг<br>амалдаги ходими ҳисобланади                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | (агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий<br>мажбуриятларини кўрсатинг)                                                                               |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Изоҳ(лар):                                                                                                                                                      |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Манба(лар):                                                                                                                                                     |                              |
|     | 2) Номзод ёки унинг яқин<br>қариндошлари раҳбарлик<br>лавозими ёки қарорлар қабул<br>қилиш билан боғлиқ<br>лавозимни эгаллаб турган<br>бўлса ёки потенциал равишда<br>Ташкилот контрагентлари<br>бўлиши мумкин бўлган<br>компаниялар бошқарув<br>органлари таркибига кирса                                                                                                                                                          | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик<br>даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг<br>қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи,<br>лавозими) |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Изоҳ(лар):                                                                                                                                                      |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Манба(лар):                                                                                                                                                     |                              |
|     | 3) Номзод ёки унинг яқин<br>қариндошлари ҳар қандай<br>ташкилотнинг оммавий<br>муомалада бўлмаган<br>акциялари ёки устав<br>капиталидаги улуши ёхуд<br>Республика фонд биржаси ёки<br>бошқа фонд биржасида<br>оммавий муомалада бўлган<br>қимматбаҳо қоғозларнинг 5%<br>ва ундан ортиғига эгалик<br>қилса ёки компаниялар<br>фаолияти натижаларида<br>шахсий манфаатдорлиги<br>бўлса (жумладан,<br>инвестициялар киритиш<br>орқали) | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик<br>даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг<br>қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи,<br>лавозими) |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Изоҳ(лар):                                                                                                                                                      |                              |
|     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Манба(лар):                                                                                                                                                     |                              |
|     | 4) Бошқа аломатлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | <input type="checkbox"/> Ҳа                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> Йўқ |

|                                                                            |                                                                                                                                                                                         |                                |                                                                                                                            |
|----------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Изоҳ(лар):                     |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Манба(лар):                    |                                                                                                                            |
| 3.6                                                                        | Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга ҳилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги                                                  | <input type="checkbox"/> Ҳа    | <input type="checkbox"/> Йўқ                                                                                               |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Изоҳ(лар):                     |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Манба(лар):                    |                                                                                                                            |
| 3.7                                                                        | Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиға мос келмайди ва бошқалар). | <input type="checkbox"/> Ҳа    | <input type="checkbox"/> Йўқ                                                                                               |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Изоҳ(лар):                     |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Манба(лар):                    |                                                                                                                            |
| 3.8                                                                        | Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)                                                                                                                                       | <input type="checkbox"/> Ҳа    | <input type="checkbox"/> Йўқ                                                                                               |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Изоҳ(лар):                     |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Манба(лар):                    |                                                                                                                            |
| 4                                                                          | <b>Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар</b>              |                                |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         |                                |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         |                                |                                                                                                                            |
| 5                                                                          | <b>Хулоса</b>                                                                                                                                                                           |                                |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         | Ҳа / Йўқ                       | Изоҳлар                                                                                                                    |
| 3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги |                                                                                                                                                                                         |                                | Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади                                    |
| 3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги        |                                                                                                                                                                                         |                                | Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконсиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади |
| <b>ЯКУНИЙ НАТИЖА</b>                                                       |                                                                                                                                                                                         | (салбий хулоса /ижобий хулоса) |                                                                                                                            |
| <b>ТАВСИЯЛАР</b> (аниқланган хатарларни ҳисобга олган ҳолда)               |                                                                                                                                                                                         |                                |                                                                                                                            |
|                                                                            |                                                                                                                                                                                         |                                |                                                                                                                            |

Ижрочи

\_\_\_\_\_ (ФИШ)  
« \_\_\_\_\_ » 20\_\_й.  
\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (сана)

Ишга қабул қилинаётган номзодларни  
текшириш бўйича йўриқномага  
2-илова

**Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш реестри**

| <b>Т/<br/>р</b> | <b>Номзоднинг<br/>г ФИШ</b> | <b>Бўш<br/>лавози<br/>м номи</b> | <b>Марказий<br/>аппаратдаг<br/>и ёки<br/>ҳудудий ва<br/>таркибий<br/>бўлинма<br/>номи</b> | <b>Текширу<br/>в<br/>ижрочис<br/>и, ФИШ</b> | <b>Номзодни<br/>текшири<br/>ш бўйича<br/>ҳисобот<br/>санаси ва<br/>рақами</b> | <b>Текширув<br/>натijasи<br/>(мусбат /<br/>манфий /<br/>аниқланган<br/>хатарлар)</b> | <b>Текширув<br/>натijasин<br/>и<br/>асословчи<br/>қисқа<br/>изоҳлар</b> |
|-----------------|-----------------------------|----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|
| <b>1</b>        | <b>2</b>                    | <b>3</b>                         | <b>4</b>                                                                                  | <b>5</b>                                    | <b>6</b>                                                                      | <b>7</b>                                                                             | <b>8</b>                                                                |
| 1               |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |
| 2               |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |
| 3               |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |
| 4               |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |
| 5               |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |
| ...             |                             |                                  |                                                                                           |                                             |                                                                               |                                                                                      |                                                                         |